

FUNDAMENTAL TADQIQOTLAR JURNALI

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ОРИЗИЕВ Иқбол Жуманазарович

Қўқон университети

Ижтимоий фанлар кафедраси

катта ўқитувчиси, (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15516460>

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ДИННИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ: ДЕСЕКУЛЯРИЗАЦИЯ ВА РЕСЕКУЛЯРИЗАЦИЯ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада секуляризм демократия, кўппартиявийлик, ҳокимиятлар бўлиниши принципи каби инсоният томонидан ижтимоий тараққиётда дин ва давлат муносабатлари тарихий тажрибаси асосида шаклланган умуминсоний сиёсий ва ҳуқуқий қонуниятлари тадқиқ этилгандир.

Калит сўзлар: секуляризм, десекуляризация, ресекуляризация, ислом, эътиқод, ижтимоий тараққиёт, атеизм, догматик, диалектик, даҳрийлик мафқураси, секуляр сиёсат.

THE ROLE OF RELIGION IN SOCIETY IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION: TRENDS IN DESECULARIZATION AND RESECULARIZATION

ANNOTATION

This article explores the universal political and legal laws formed by humanity on the basis of the historical experience of religion and state relations in social progress, such as secularism, democracy, multipartivism, the principle of division of powers.

Keywords: secularism, desecularization, resecularization, Islam, belief, social progress, atheism, dogmatic, dialectical, ideology of genius, secular politics.

РОЛЬ РЕЛИГИИ В ОБЩЕСТВЕ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ТЕНДЕНЦИИ К ДЕСЕКУЛЯРИЗАЦИИ И РЕСЕКУЛЯРИЗАЦИИ ЗАНОВО

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуются универсальные политико-правовые закономерности, сформированные человечеством на основе исторического опыта взаимоотношений религии и государства в процессе общественного прогресса, такие как секуляризм, демократия, многопартийность, принцип разделения властей.

Ключевые слова: секуляризм, десекуляризация, ресекуляризация, ислам, вера, социальный прогресс, атеизм, догматический, диалектический, гениальная идеология, светская политика.

Дин ва давлат муносабатлари давлатчилик пайдо бўлгандан буён мавжуд. Қадим замонларда, аниқса Қадимги Юнонистон ва Римда “давлат” ва “жамият” тушунчалари синоним деб англаган даврларда дин ва давлат институтлари ўзаро уйғун фаолият олиб боришган.

Бугунги глобаллашув шароитида миллий мустақилликни барча соҳаларда сақлаш, мустаҳкамлаш таниқли файласуф – сиёсатшунос олим С.Отамуродов таъкидлаганидек, масъулиятли вазифага айланмоқда [1, Б.230].

Ушбу вазифа Президент Ш.Мирзиёев олға сурган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ва унда жамият олдиға қўйган устувор вазифалар, уларни бажариш билан уйғун.

Глобаллашув беихтиёр Ўзбекистонни халқаро трансмиллий жараёнлар домиға тортади. Ўзбекистон тараққиёти халқаро ҳамжамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларига уйғунлашувисиз мумкин эмас. Буни Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар билан ўзаро стратегик ҳамкорлигининг тобора кенгайиши, ҳатто қўшни Афғонистон “Толибон” раҳбарлари билан дўстона муносабатларининг биринчилардан бўлиб йўлга қўйилиши, ўзаро манфаатдорлик сиёсатини олиб бораётганлиги глобаллашув шароитида миллий ўзбек давлатининг стратегияси умуминсоний кадриятлар билан уйғун эканлиги исботлаб турибди [2. Б.130].

Глобаллашув ва жамият ҳаётининг либераллашуви ва демократлашуви шароитида чуқур ўйланган секуляр сиёсат ўз татбиқини турли ижтимоий технологиялар воситасида амалға оширилишини тақозо қилади. Буни тасаввур қилиш учун “технология” категориясининг мазмун-моҳиятини билиш лозим. Ўзбек тилида нашр қилинган ва кўзга кўринган жамиятшунос олимларимиз томонидан миллий ғоянининг тарғибот технологиялари масаласига бағишланган жамоавий китобда “технология – замонвий илмий-амалий тафаккур услуги” [3, Б.22], деб баҳоланади.

Аслини олганда эса “технология” иқтисодий категория бўлиб, у ишлаб чиқариш, яратиш, барпо этиш жараёнини ифода этади. “Технология” атамаси асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ижтимоий ҳаётда ва илмий тадқиқот соҳасида оммалашди.

Ушбу категориянинг вариантлари хилма-хил – “таълим технологияси”, “педагогик технология”, “тарғибот технологиялари”, “инновацион технологиялар” ва ҳ.к. кўринишларға эга. Аслида “технология” бирор бир буюмни ёки товарни ишлаб чиқариш, яратиш ва барпо этишни ифода этувчи тушунчадир. У XX аср охирларига келиб сиёсий соҳада ҳам ишлатила бошлади. Сиёсий технология муайян мақсадни амалға оширишға мўлжалланган сиёсий тадбирлар, усуллар, воситалар мажмуаси бўлиб, муайян мақсадларни кўзда туттади [4].

Десекуляризация ушбу ҳодисаларда моддийлашди, ғоя натижаға олиб келди, жамият жунбушға келди, ижтимоий барқарорликка путур етди. Ушбу воқеалар шуни тасдиқлайдики, ҳеч қандай бозор иқтисодиёти, тадбиркорлик жамиятға фаровонлик, юксак ҳаёт даражасини маънавий асосларсиз бера олмайди. Маънавий ногирон, пачоқ, бироқ бой-бадавлат, фақат пулни, моддий бойликни кадрловчи инсон – бетайин, эътиқодини ҳам бойликка алмашиб юборадиган ижтимоий хавфли, аниқроғи хиёнаткор шахс.

Шунинг учун “дин” атамаси, “эътиқод”, “иймон” категорияси билан нафақат синоним, балки уйғундир. Эътиқоди, иймони бутун, соғлом инсон иймониға, эътиқодига хиёнат қила олмайди. Республика биринчи Президентининг “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Аллоҳ қалбимизда, юрагимиздадир!” деб бот-бот такрорлаши ҳам шу боис юксак донолик ифодасидир. Иймонли одам пора олмайди, халқига, Ватанға, миллатға хиёнат қилмайди.

Десекуляризация жаҳон тенденцияси сифатида XX асрда маънавий инқирозга етаклади, маънавий таназзулга дучор бўлди. Буни ушбу тадқиқот биринчи бобида Ф.Ницше, З.Фрейд, Э.Фромм, О.Тоффлер ва бошқа Ғарб олимлари таълимотлари мисолида ёритган эдик. Ф.Ницше “Антихрист” асарини ёзди, динга, эътиқодга К.Маркс каби бутунлай қарши таълимотни яратди.

Бугунги Ғарб “оммавий маданияти” транссексуализм, бир жинсли никоҳ ва ҳ.к. ғайриинсоний ҳодисалар худоси, эътиқоди йўқ, ҳайвоний инстинктлар қулига айланган, инсон қиёфасидаги, бироқ ўз давлатида фуқаролик легитимлигига эга “эркин” кишилар ахлоқидир. Ғарбда ўрта асрларда юзага келган, натижада Ғарбни Шарққа нисбатан фан, техника ва технологияси илгарилаб кетишига олиб келган секуляр сиёсатнинг XX аср бошларига келиб десекуляризациялашуви бундай ноҳуш, ҳатто Ғарб илғор зиёлиларини ҳам ташвишга солаётгани бежиз эмас.

Десекуляризация – бу либерал демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига дин омилини ҳисобга олмай легитимлилик ҳуқуқини бериш демақдир. Бу – маънан носоғлом, билимсиз кишига ўқотар қуролни беришга тенг адашишдир. Фақат маънавий, бурч, виждон ва ҳ.к. тушунчалар инсон фаолиятининг юксак ижтимоийлашувини таъминлайди, жамиятга ҳавф таҳдидини юзага чиқармайди. Ўзбек сиёсатшунос олимларидан Х.Ахмедов тўғри таъкидлаганидек, маънавий ҳаёт динамикасини, умумий қонуниятларни ҳисобга олмасдан бугунги долзарб ижтимоий-иқтисодий ва маданий муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас [5, Б.210].

Десекуляризация муайян даражада бугун кенг оммалашаётган “инвестиция”, “инновация” тушунчаларига ҳам синоним. Буни диний инновация ҳодисасида кузатиш мумкин. Масалан, бугунги маҳаллий исломда, анъанавий ислом баъзан – ханафия мазҳабига ваҳҳобийлик оқимининг кириб келиши, ислом арконларини, хусусан намоз ўқишда ваҳҳобиёна расм-русумга итоат этишга ундаш – ўзига хос “инновация”га даъвогар бугунги ёшлар, ўсмирлар ўртасида удумга айланган, намойишкорона ўзининг “эътиқоди”ни ифода этиш мақсадида соқол қўйиш, диний қиёфага киришга уриниш, ёш йигитларнинг келинларни ҳижобга киришга мажбурлашлари, шарт қўйишлар ҳам “инновация” ҳисобланади. Буни ислом динида “бидъа” дейилади. “Бидъа” – “янгилик” демақдир. Ваҳҳобийлик асло янгилик эмас. У XVIII асрда Арабистон ярим оролида яшаган Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб (1703-1792) номи билан боғлиқ [6, Б.150].

Абдулваҳҳоб фикрича, XVIII асрга келиб мусулмонлар ҳақиқий ислом қадриятларидан узоқлашиб қолган бўлиб, Аллоҳга эмас, турли хизир-у авлиёларга, муқаддас жойларга сиғинишни одат қилганлар, “бидъат”га берилганлар. Абдулваҳҳоб “Китоб ал-кашф” асарида яккахудоликни қайта тиклашга, шариат қоидаларига барчани мажбуран итоат этишга мажбурлашга даъват этади. Аслида ислом дини “шариат аҳкомларини зўрлик билан сингдириш ҳам, исломга нисбатан сохта либерал кўринишдаги беписандлик ҳам фуқаролик жамияти руҳига тўғри келмаслигини қайд этади” [7, Б.34].

Узоқ давр атеизм ҳукмида бўлга постсовет ижтимоий макода ваҳҳобийлик десекуляризациянинг ашаддий кўриниши, маҳаллий маънавий худудга таклиф этилаётган ўзига хос “инновация” эди. Буни ислом арконларини, ханафий мазҳаби талабларини чуқур билувчи дин уламолари фаҳмлай олдилар ва ислом динига оид қатор хайрли ишларни амалга оширидилар – диний маърифатчиликни соғлом ўзанга олиб кирдилар, халқимизни ханафия мазҳабига батамом бегона оқимга кириб қолишининг олдини олдилар.

Буни бугун иймонли, эътиқодли исломий омма эътироф этади ва буюк зот – ватандошимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари меросини ҳурмат билан ўрганадилар. Зеро, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф бутун ислом дуёсида эътироф этиладиган диний арбоблардан бири ҳисобланади. “Тарихга теран назар солсак, бизларнинг етти аждодларимиз ким эканини кўраимиз.

Не-не буюк даҳолар, мутафаккиру алломалар айнан шу сиз ва биз яшаётган муқаддас Ватанда яшаб ўтганлар. Худди улар сингари уларнинг зурриётлари ҳам ҳали дунё тамаддунига ўз ҳиссаларини қўшишига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Чунки ёшларимиз томирида аждодларимизнинг қонлари оқиб турибди” [8, Б.74-75]. Шунинг учун ёшларни теран тафаккур ва дунёқарашини ривожлантириш лозим.

Европа Иттифоқи Конституцияси аъзо давлатлар форматида диний омилни ҳам ҳисобга олиши лозим бўлади. Европада исломийлашиш тенденцияси кўзга ташланиб қолди. Демографик жиҳатдан Европа келажаги туб аҳолига нисбатан келгинди мигрантлар, уларнинг маданияти ва диний мавқеининг ортиб бориши билан боғлиқ. Яқин Шарқ ва Африка қирғоқларидаги фуқаролик уруши, ижтимоий беқарорлик Европага қочоқлар оқимини ҳам кучайтиради.

Европа Иттифоқи, ҳатто АҚШ ҳам бундан буён ўзининг анъанавий дини (католицизм, протестантизм) билан бир қаторда ислом, конфуцийлик, буддизм динларининг легитимлигини ҳам тасдиқлашга мажбур. БМТ томонидан 1995 йилнинг 16 ноябрида миллий ва диний ҳамжиҳатликка бағишланган “Толерантлик Декларацияси”нинг қабул қилиниши ҳам шу боис бежиз эмас.

Турли давлатлар тарихи диннинг давлат учун маданий ролига асосланади. Масалан, Буюк Британияда англиканлик (Шимолий Ирландия бундан мустасно – бу ерда католиклар ва протестантлар ўртасида низо мавжуд), Испания, Италия, Польшада католицизм, Болгария, Россия, Грузия, Сербияда православлик, Миср, Туркия, Марказий Осиё постсовет давлатларида, Кавказда ислом монопол мавқеда бўлиши бугун вазият бошқача – диний конфессиялар сони ортиб бориши, давлат сиёсати секуляризм сиёсатини десекуляризация, толерантлик сиёсати томон буриш лозимлигини тақозо этмоқда. “Diniy hokimiyat unga tayanadigan hokimiyatdir” [9, Б.755]

Айни вақтда жаҳонда десекуляризация тенденцияси билан ресекуляризация тенденцияси ҳам шаклланди. “Ресекуляризация” деганда биз диннинг дунёвий ҳаётда ҳам ўрни, роли в таъсирининг кучайиб бориши тенденциясини тушунамиз. Ресекуляризм деганда либерал демократия таъсирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳаддан зиёд эркинликлар бериш, диний қадриятлар билан йўғрилган ахлоқий қадриятларнинг таназзулига олиб келишига қарши ҳаракат, муносабат тушунилади. Ресекуляризмни илмий доираларда “постсекуляризм” деб ҳам тушунишлар мавжуд.

“Ресекуляризация”, яъни динга нисбатан давлат муносабатининг “юмшаши”, мўътадиллашуви миллий мустақилликка эришилган кундан буён кузатилди – Конституциянинг 33-моддаси айни шу жиҳатга – диний эътиқод эркинлигига, диндор фуқароларнинг ҳам бошқа фуқаролар каби тенг ҳуқуқлиги кафолатини тасдиқлайди. Муқаддас китоб Куръони Каримнинг “Каҳф” сураси 29-оятда: “Айтинг: “(Бу Куръон) Раббингиз (томони)дан (келган) Ҳақиқатдир. Бас, ҳоҳлаган киши имон келтирсин, ҳоҳлаган кимса кофир бўлсин” [10, Б.331], деб марҳамат қилинади.

Албатта, десекуляризация ва ресекуляризация ҳам муайян сиёсий меъёрларни тақозо этади. Жамият демократиялашуви шу ўринда ҳам ижобий ва ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бунга мисол – мустақилликнинг дастлабки йилларида диний фундаментализм ва диний экстремизмнинг ижтимоий ҳаёт саҳнасига қалқиб чиқиши, диннинг сиёсийлашуви, яъни ҳокимиятга даъвогарлигининг кучайиши, дунёвий тараққиёт йўлини диний тараққиёт йўлига буриб юборишга уринишлар ҳисобланади.

Ресекуляризация умумжаҳон тенденцияси Ўзбекистонда ҳам кузатилди. “Ҳизб ат-таҳрир ал-исломий” ташкилоти, акромийлар, ваҳҳобийлар, нурчилар ва бошқа диний сиёсий партия ва оқимлар дин эркинлиги конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назаридан кафолатланганидан унумли фойдаланишга уриндилар, ушбу тенденцияни юртимизда ҳам қарор топтиришга ҳаракат қилдилар.

Улар ичида энг ашаддий ва ғоявий жихатдан етакчиси “Ҳиз ут-таҳрир”, яъни “Озодлик партияси”дир. Тадқиқотимиз сиёсий йўналишда бўлганлиги сабабли ушбу диний партия ва унинг мафкураси хусусида тўхтаимиз.

Ўзбекистонда “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунга мувофиқ диний дастурдаги сиёсий партиялар тузишга рухсат берилмайди. Бироқ бугунги медиа маконда ресекуляризация таъсирида диний тарғибот катта ўрин эгалламоқда, динийлик ва дунёвийлик нисбатида биринчисининг аҳоли, айниқса ёшлар қатлами ичида ўсиб бориши хавотирлидир [11, Б.336].

Бугун глобал миқёсда ресекуляризация тенденциясининг шаклланиши, ислом динининг сиёсийлашуви, диний радикал кучларнинг ҳақимият учун даъвогарлигининг тобора кучайиши кўп конфессияли араб давлати – Миср араб республикаси давлатининг динга оид оқилона сиёсати таърибаси мамлакатимизда диндор ва диндор бўлмаган фуқаролар ўртасида толерантлик муносабатларини тобора мустаҳкамлаш, турли шаклдаги диний экстремистик, фундаменталистик, террористик ҳаракатларнинг олдини олиш, барқарор ривожлантиришга қаратилган давлатнинг динга оид сиёсатинининг самарадорлигини таъминлаш учун амалий, ташкилий ва назорат қиймати салмоқлидир.

REFERENCES. IQTIBOSLAR. CHOСКИ.

1. Отамуродов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти (сиёсий фалсафий кирралари). – Т.”O‘zbekiston”, НМИУ, 2018. – 352 б.; Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Т.: “Akademiya”, 2008. – 230 б.
2. Адылходжаева С.М. Глобализация и стратегия государства. – Т.: ТГЮИ, 2007ю – 130 с.
3. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: “Akademiya”, 2007. – Б. 22.
4. Умарова Н., Исломбеков У. Сиёсий технологиялар. Ўқув қўлланма. – Т.: “Akademiya”, 2007.
5. Ахмедов Х. Маънавий ҳаёт динамикаси. Монография. – Тошкент: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2018. – 210 б.
6. Ҳайтбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муноосари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2014. – 150 б.
7. Геллнер Э. Условия свободы. Гражданское общество и его исторические соперники. М.: Московская школа политических исследований, 2004. – С.34. (240)
8. Алимов У. Ёшлар – келажакимиз. Тошкент: Мовароуннахр. 2008, -Б.74-75.
9. Mark chaves. Seculaization as Declining Religious Authority. Social Forces. 72(3). March, 1994. - p.755.
10. Куръони Карим. Таржима ва изохлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент: Чўлпон, 1992. –Б.331. (767)
11. Туленов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар . иккинчи нашр. – Т.: “Sharq”, 2013. – 336 б.
12. Sodirjonov M. The significance of national and ethnosocial processes in the sociological study of human capital //Society and innovations. – 2021. – Т. 2. – №. 5.
13. Содиржонов М. Этносоциальные факторы развития социального капитала в современном узбекском обществе //in Library. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 148-150.
14. Содиржонов, М. (2021). Этносоциологик тадқиқотларда этник омиллар ва қарама-қаршилиқлар . in Library, 21(2), 874–879. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/22306>
15. Содиржонов М. Анализ развития человеческого капитала в этносоциологических процессах ферганской долины //in Library. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 195-203.